

ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗҒАТИШ, ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ВА СУРИШТИРУВ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЎХШАШЛИГИ ВА ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАРИ

Ботаев Мурод Джуманшикович

ИИБ Академияси Тергов фаолияти
кафедраси бошлиғи ўринбосари,
ю.ф.б.ф.д (PhD), доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568334>

Аннотация: Мақолада ишни судга қадар юритиш босқичларидан бўлган суриштирув, терговга қадар текширув ва жиноят ишини қўзғатиш тушунчалари таҳлил қилинган. Ушбу тушунчаларни ўхшашлиги, бугунги кундаги асосий фарқли жиҳатлари юзасидан мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганилган.

Калит сўзлар: жиноят, қонун, суриштирув, терговга қадар текширув, қўзғатиш, асослар, муаммо, камчилик, ариза, хабар, терговчи, суриштирувчи, иштирокчилар.

Бугунги кунда Жиноят-процессуал ҳуқуқ фанида жиноят ишини қўзғатиш, терговга қадар текширув ва суриштирув тушунчалари мавжуд бўлиб, ушбу тушунчаларни бир биридан фарқлаш борасида бир қатор муаммо ва камчиликларнинг мавжудлигини кузатишимиз мумкин.

Бунинг асосий сабаби эса, 2017 йил 6 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-442-сон қонуни қабул қилиниши бўлиб ҳисобланади.

Мазкур қонун билан жиноят процессида ишни судга қадар юритиш босқичи янги таркибий тузилишга эга бўлди, яъни ишни судга қадар юритиш босқичи терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов каби босқичларга бўлинди[1].

Жиноят-процессуал кодексининг 320²-моддасида “Терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳаракатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади” деган янги норма вужудга келди.

Лекин, шундай бўлсада ҳозирги кунга қадар юридик адабиётларда терговга қадар текширув тушунчасига оид яқдил фикр мавжуд эмас. Бу эса ушбу институтнинг кўп қиррали эканлигидан далолат беради. Айрим олимлар терговга қадар текширув жараёнини жиноятларни тергов қилишнинг бир кўриниши сифатида талқин этишса[2], иккинчи гуруҳ олимлари ишни судга қадар юритишнинг босқичи сифатида таъкидлаб, дастлабки терговдан олдин юз берадиган ҳодиса[3], кейинги гуруҳ олимлари эса терговга қадар текширувни маълум давлат органларининг фаолият кўриниши дейди, яна бир гуруҳ олимлар, терговга қадар текширувни аниқ тушунча эканлигини, жиноят процессининг мустақил босқичи эканлигини таъкидлайдилар[4].

Терговга қадар текширув тушунчасига берилган таърифлардан бирида, унга жиноят ҳақидаги ариза, хабар ёки бошқа маълумотни рўйхатга олиш ҳамда жиноят ишини қўзғатиш сабаби қонунийлигини ва асослар мавжудлигини аниқлаш мақсадида

айрим тергов ва процессуал ҳаракатларини ўтказиш, олинган ёки аниқланган маълумотлардан келиб чиқиб, жиноят иши қўзғатиш ёки иш қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш жараёни тушунилади деб қайд этилган.

Д.М. Миразовнинг фикрича, терговга қадар текширув жиноят процессининг бирламчи босқичи бўлиб, унда жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар текширилиши ва жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатмаслик масаласи ҳал этилади. Ушбу босқичда жиноий қилмиш натижасида жабрланган фуқароларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни амалга ошириш жараёни бошланади[5].

Б.Т. Безлепкин жиноят ишини қўзғатиш босқичида қонуний асослар ёки сабабнинг мавжудлиги ёки йўқлигини текшириш (ёзма материаллар ва тушунтиришларни талаб қилиб олиш, ҳужжатли текширув ёки тафтишни тайинлаш) ўтказиш орқали амалга ошириш лозимлигини таъкидлаб, ушбу жараённи терговга қадар текширув деб аташни таклиф қилган[6].

Яна бир олим П.А. Лупинская эса ушбу тушунчани бир оз бошқачароқ талқин этади. Яъни, терговга қадар текширув жараёнида тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят тўғрисидаги хабарни текшириш, аризачи томонидан тақдим этилган ҳаракатларни ўрганиш, аризада кўрсатилган асл маълумотларни таҳлил қилиш, аризачи нинг шахсини аниқлаш, аризанинг терговга тегишлилиги бўйича жўнатиш тўғрисида қарор қабул қилишни аниқ белгилаб берувчи ҳаракатлар мажмуини назарда тутати[7].

Бизнингча, юқорида келтирилган фикрларда олимлар терговга қадар текширув босқичининг таркибий тузилишига тегишли жараёнларни акс эттирган бўлса-да, ушбу фикрлар бугунги кундаги терговга қадар текширувнинг моҳияти ва тушунчасини тўлиқ очиб бермайди.

Назаримизда, терговга қадар текширув тушунчасини шакллантиришда уни амалга ошириш шаклини белгилаш билан боғлиқ масалани четлаб ўтиб бўлмайди. Бу борада юридик адабиётларда турли фикрлар билдирилган. Баъзи муаллифлар фикрича, терговга қадар текширув непроцессуал усуллар ёрдамида амалга оширилади дейилган бўлса, бошқа олимлар эса унинг аксини билдирган. Масалан, К.И. Мигушиннинг таъкидлашича, «терговга қадар текширув босқичи жиноят-процессуал фаолиятнинг мажбурий ташкилий қисми ҳисобланади ва *процессуал характерга эга бўлади*»[8]. Бу фикрни бошқа айрим муаллифлар ҳам айтиб ўтади. Ушбу фикрдан фарқли бўлган бошқа нуқтаи назарлар ҳам мавжуд. Унинг тарафдорлари терговга қадар текширув босқичида билиб олишнинг эркин усулига таяниш, жиноят тўғрисида ахборот йиғишда мутлақ ихтиёрий процессуал бўлмаган усуллардан фойдаланишни таклиф этади.

Бу борада Л.С. Мирзанинг фикри эътиборга лойиқдир. Чунки, унинг фикрича, умумий қоидага кўра жиноят тўғрисидаги хабар келиб тушганида ва тегишли асослар бўлганида дарҳол жиноят иши қўзғатилиши лозим (яъни терговга қадар текширув босқичи мавжуд эмас). Бир вақтнинг ўзида муаллиф жиноят тўғрисидаги ҳар қандай хабар ҳам дарҳол жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлмаслигини тан олиб, муаммони ҳал қилиш учун таклиф сифатида у қонунда терговга қадар текширувда амалга

ошириладиган процессуал ҳаракатлар тўғрисидаги батафсил рўйхатни мустаҳкамлашни таклиф этади[9].

М.Г Ковалева эса жиноят тўғрисидаги хабарда жиноят аломатларининг мавжудлигини аниқлаш учун ҳар қандай ҳаракатлар натижасида олинган маълумотлар асос бўлмаслигини қайд этиб, содир бўлган воқеанинг ҳуқуқий тавсифидаги ноаниқликлар қонунда белгиланган терговга қадар текширув ҳаракатлари натижасида ўтказилиши ва ўрганилиши шарт деб ҳисоблаган[10].

Бу борада Л.М. Володинанинг фикрига кўра, «тахминга асосланган хулоса қабул қилинаётган қарор учун етарли кафолат бўла олмайди»[11]. В.Г. Косыхнинг фикрича, «терговга қадар текширув даврида, - ҳаттоки аризачи қилмишнинг барча тафсилотларини баён қилган бўлса ҳам ушбу хабарга асосланиб жиноят ишини қўзғатиш учун зарур бўлган ҳажмдаги ахборотга эга бўлишнинг имкони йўқдир»[12]. Дарҳақиқат, бу ҳолда камида аризачининг шахсини аниқлаш, уни ёлғон хабар берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш зарур бўлади, бу эса айнан терговга қадар текширувнинг таркибий қисми ҳисобланади, чунки ушбу фаолият туфайли жиноят ишини қўзғатиш учун сабабнинг ҳаққонийлиги аниқланади.

Юқорида билдирилган фикрларнинг аксариятига қўшилган ҳолда, терговга қадар текширув босқичида маълумотлар ёки далиллар фақат қонунда белгиланган тартибда ўтказилган процессуал ва тергов ҳаракатлари натижасида тўпланган бўлиши лозимлигини қайд этиш мумкин.

Яна бир эътибор қаратишимиз лозим бўлган ҳолат бу, одатда илмий ва ўқув адабиётларида терговга қадар текширув жиноят ишини қўзғатишнинг таркибий қисми, тузилмавий элементи сифатида қаралади. Боз устига бу босқичда жиноят процесси тадқиқотчилари гўёки «жиноят ишини қўзғатиш» атамасини «терговга қадар текширув» атамасига алмаштирадilar, уларга тенг кучли ва бир-бирининг ўрнини босадиган деб қарайдилар[13].

Бу масалада А.Б. Диваев терговга қадар текширув якунида жиноят ишининг қўзғатилиши дастлабки терговни бошлашга хизмат қилишини, шунингдек, терговга қадар текширув босқичини ҳам жиноий ишини қўзғатиш босқичи деб номланиши лозимлигини таъкидлаб ўтган[14]. А.П. Рыжаков ҳам ушбу мазмундаги фикрни билдириб, унга кўра жиноят ишни қўзғатиш – бу вақт оралиғи бўлиб, унинг доирасида жиноят тўғрисидаги аризани (хабарни) терговга қадар текшириш деб аталадиган ўзига хос фаолият амалга ошади[15].

Ушбу олимларнинг фикридан маълум бўладикки, терговга қадар текширув биринчи ва зарурий босқич бўлиб, унда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган ходими, суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноят иши қўзғатиш учун сабаб ва асос мавжудлигига доир масалани ҳал қилади, жиноят аломатлари аниқланганда жиноят иши қўзғатади ёки мавжуд асосларга кўра жиноят иши қўзғатишни рад этади.

А.М. Королевнинг фикрича, «жиноят ишини қўзғатиш босқичидан олдин яна битта босқич бўлиб, унда муайян ҳаракатлар амалга оширилади ва шахснинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари кўриб чиқилади»[16].

В.В. Кожокаръ ҳам шунга яқин фикр билдирган бўлиб, яъни «..жиноят тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилишни судга қадар иш юритишнинг биринчи босқичи сифатида терговга қадар текширув босқичи деб қарамоқ лозим»[17].

Айнан мазкур омиллар, бизни жиноят ишини қўзғатиш босқичидан аввал жиноят процессининг мустақил институт мақомига эга бўлган терговга қадар текширув босқичи мавжуд бўлиб, у келгусида жиноят ишини қўзғатиш босқичини жиноят процессининг босқичларидан чиқариб ташлайди деган хулосага келишимизга туртки бўлди. Яъни жиноят ишини қўзғатиш босқич сифатида эмас, балки терговга қадар текширув босқичи якунида қабул қилинадиган қарорлардан бири сифатида сақланиб қолади.

Терговга қадар текширув тушунчасига доир таърифларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги ўрганилаётган институтнинг кенг қамровлилигидан дарак бериши билан бирга, унинг қай даражада мураккаблигини ҳам кўрсатади.

Юқорида келтирилган фикрларнинг хилма-хиллиги, юридик адабиётларда бундай фикрларнинг кенг тарқалганига қарамай ҳанузгача ўз ечимини топмаган. Чунки, жиноят ишини қўзғатиш босқичи доирасида амалга ошириладиган текширув фаолияти натижаларига кўра фақатгина жиноят ишини қўзғатиш, қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинмайди. Масалан, ушбу босқичда ариза ва хабарларнинг қайси юридик жавобгарлик турига ёки иш юритиш қайси орган ваколатига тааллуқлилиги бўйича ҳам қарор қабул қилинади. Қолаверса, жиноят тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш, назаримизда жиноят процессининг мустақил, дастлабки қисми бўлиб, унда алоҳида мустақил босқични тавсифловчи барча аломатлар мавжуд.

Юқорида билдирилган фикрларнинг чуқур таҳлили эса терговга қадар текширувга нисбатан қуйидаги мазмундаги таърифини ишлаб чиқиш имконини берди. Терговга қадар текширув бу ишни судга қадар юритишнинг алоҳида босқичи бўлиб, тегишли ваколатларга эга бўлган масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш йўли билан қонуний ва асосланган ҳал қилув қарорини чиқаришга қаратилган процессуал ҳаракатлар тизимидир. Жиноят ишини қўзғатиш деганда эса терговга қадар текширув жараёнинг якунида қабул қилинадиган қарор сифатида тушунилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Суриштирув деганда эса – ишни судга қадар юритишнинг бир шакли бўлиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган тоифадаги жиноятларга оид жиноят ишини мазмунан ҳал қилиш учун исботланиши лозим бўлган ҳолатларга ойдинлик киритишга хизмат қиладиган барча далилларни тўплаш, жиноят содир этган шахсни ишга жалб қилиш, унинг айбини исботлаш, жиноят натижасида етказилган мулкий зарар қопланишини таъминлаш ва жиноятнинг сабаблари, жиноят содир этишга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш, процессда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жинят ишини судда ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқирилиши ҳамда адолатли қарор чиқарилиши учун зарур шарт-шароит яратиш билан боғлиқ фаолият тушунилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, терговга қадар текширув, жиноят ишини қўзғатиш ва суриштирув тушунчаларининг ўзаро тўқнаш келувчи нуқталари мавжуд бўлсада улар мазмун жиҳатдан ўзаро бир биридан фарқ қилувчи ишни судга қадар юритиш жараёнида қўлланиладиган тушунчалар эканлигини таъкидлаш жоиз бўлади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2017 йил 6 сентябрь ЎРҚ-442-сон қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами-2017.- 36-сон- 943-модда.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.1. Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва бошқ. – Т., 2000. – Б. 736
3. Рашидов Б.Н. Терговга қадар текширув: Маърузалар курси / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б.149; Danie Kloppers herstellende geregtigheid in gevalle. Litnet Akademies, Joernaal vir die geesteswetenskappe, 14 (1) 345-373, 2017.; KL.De Klerk. The role of the victim in the criminal justice system/How victims rights extension led to restorative justice. University of Pretoria, 2013. P145.
4. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процесси. Умумий қисм. – Т., 2008. – Б. 285; Умарханов А.Ш. Одил судловга кўмаклашувчи шахслар хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий чоралари. –Т., 2005. – Б.76.; Чутбоев М.Р. Гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳуқуқларини чеклашнинг халқаро тажрибаси: Ўқув қўлланма. – Т., 2014. – Б.77.
5. Миразов Д.М. Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари: Ўқув қўлланма. – Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 4.
6. Безлепкин Б.Т. Уголовно-процессуальное право Российской Федерации: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. – М., 2007. С. 317.
7. Уголовно-процессуальное право Российской Федерации: Учебник/ отв. ред. П.А. Лупинская. 2-е изд., перераб. и доп. – М., 2011. С.458. Ожегов С.Н., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка: 80 000 слов и фразеологических выражений. 4-е изд., доп. – М., 2004. С. 605.
8. Мигушин К.И. Досудебное производство как стадия современного уголовного процесса России: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Н. Новгород, 2004. С. 10. Во многом схожей позиции придерживается Л.А. Артемов. См.: Артемов Л.А. Стадия возбуждения уголовного дела: процессуальные особенности и правовая регламентация действий правоохранительных органов: Дис. ... канд. юрид. наук. – Владимир, 2004. – С. 8.
9. Мирза Л.С. Нужна ли доследственная проверка // Российский следователь. – 2004. – № 9. – С.15-16.
10. Ковалева М.Г. Возбуждение уголовного дела и обеспечение его законности и обоснованности: Дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2005. –С.13.
11. Володина Л.М. Механизм обеспечения прав личности в российском уголовном процессе автореф: Дис. ... д-ра юрид. наук. – Екатеринбург, 1999. – С. 150.

12. *Косых В.Г.* Расширение перечня оснований для продления срока проверки заявлений и сообщений о преступлениях // Уголовный процесс. – № 4. – 2007. – С. 18.
13. *Гирько С.И.* Деятельность милиции в уголовном процессе. – М., 2006. – С. 235-236.
14. *Деваев А.Б.* Установление оснований для возбуждения уголовного дела о хищениях: Дисс. канд наук –Томск, 2005. – С. 25.
15. *Рыжаков А.П.* Возбуждение и отказ в возбуждении уголовного дела. 5-е изд., доп. и перераб. – М., 2011. С.7.
16. *Королев А.М.* Сущность предварительной проверки сообщения о преступлении // Современное право. – 2011. – № 7. – С. 129.
17. *Кожокарь В.В.* Возбуждение уголовного дела: вопросы теории и практики: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 2016. 10 б.